



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 215 (11.776)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мамлакатимизда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, уларнинг турларини кўпайтириш, сифатини ошириш ҳамда экспортга етказиб беришни кенгайтиришга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Қарор ва ижро

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 23 мартда қабул қилинган «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги Қарори бу борада белгиланган вазифаларни бажаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинати» очик акциядорлик жамияти ҳам ушбу йўналишда самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотнинг 91,5 фоизини металл молибден ташкил қилади.

Комбинатда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш дастури амалга ошириш мақсадида маркетинг ва технологиялар стратегияси ишлаб чиқилган. Мазкур стратегия юқори сифатли махсус пўлатни ва катта кўшимча қийматга эга қаттиқ қотишмаларни, вольфрам карбидларни, вольфрамли электродлар, молибден ҳамда вольфрам прокати каби тайёр маҳсулотларни легирлаш учун ишлаб чиқаришга аънавий турдаги буюмларни киритишга асосланган. Натижада, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 25 миллиард сўмни ташкил этди,

экспорт дастури 153,4 фоизга бажарилди.

«Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинати» очик акциядорлик жамиятининг фан, инновациялар, инвестициялар ва маҳсулот маркетинги бўйича бош мухандиси ўринбосари Валерия Норалиеванинг айтишича, деб хабар беради ЎЗА, комбинат ҳар йили ишлаб чиқариш ҳажмини оширмоқда. Бунга давлатимиз раҳбарининг иқтисодий реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратаётгани туфайли эришилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодий реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлатилиши таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим омил бўлди ва 2010 ҳамда кейинги йилларда ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини барқарор амалга ошириш учун мустаҳкам асос яратди.

Сўнгги бир неча йил давомида ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Қаттиқ қотишмаларнинг янги турлари яратилди, ишлов бериш услублари ва улардан янги ускуналар тайёрлаш конструкциялари

ишлаб чиқилди.

Комбинатда ички бозордаги талабни таъминлаш мақсадида 40-100 Втли лампочкалар ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилди. Айни пайтда лампочка тайёрлаш бўйича ишга туширилган тўртта линияда йил охиригача «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган 3 миллион дона лампочка ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Айни вақтда ишлаб чиқариладиган 40-100 Втли чўлғанма лампочкалар тури кенгайтирилиб, кўчаларни ёритиш учун мўлжалланган лампочкаларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

2010 йилнинг ўтган даврида бу ерда 7 турдаги ностандарт буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва улар айни пайтда мамлакатимизнинг етакчи саноат корхоналарига синовдан ўтказилмоқда.

Комбинатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш учун ISO 9001:2000 халқаро стандарт талабларига мувофиқ, 2011 йилгача сифат менежменти тизимини тайёрлаш ва жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацияларни лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш бора-бор кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида комбинат Тошкент давлат техника университети билан бир неча янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш борасида шартнома тўзди.

Меҳрибон МАМЕТОВА

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган «Теле-радиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Танловга Хоразм вилоятида 1 теле ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 1 радио частоталар бўйича келган буюртманомалар қўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди.

Шунингдек, комиссия томонидан теледастур-

ларни тарқатиш ва ҳудудини кенгайтириш, маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари қўриб чиқилди.

Комиссия томонидан нодавлат радиоэшиттириш ва телекўрсатув дастурлари мазмунини бойитиш, эфирга узатилаётган ҳар бир лавҳа, хабар, мусиқа ва ашуланинг сифатини янада юксалтириш, уларнинг маънавий қадриятларимизга мослигини таъминлаш устувор вазифа эканлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ШАЙХОҲОНХУР** туманидаги 46-оилавий поликлиникада шифокорлар ва маҳалла фаоллари иштирокида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

✓ **ЎЗБЕК-япон инсон ресурслари** маркази томонидан «Тошкент: кеча, бугун, келajak» мавзусидаги аънавий фото-танлов эълон қилинди.

✓ **ХАЛҚАРО** маданият қарвонсаройида таниқли қарикатурачи-рассом Маҳмуд Эшонқуловнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ ва сув ҳўжалиги тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бу ислоҳот сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга, тупроқ унумдорлигини тубдан оширишга, шу жумладан ихтисослаштирилган сув ҳўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар ассоциациялари ҳамда фермер ҳўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган.

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси томонидан ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида 5 ноябрда бўлиб ўтган давра суҳбатда «Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларидан фойдаланишнинг долзарб масалалари» мавзуси муҳокама этилди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида сув ресурсларини оқилона ишлатиш ва сувдан фойдаланиш бўйича тегишли қонунчилик базаси яратилгани қайд этилди. 1993 йилда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йил 31 октябрдаги қарори билан минтақада биринчи марта Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси дренаж инфратузилмасини қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш, шунингдек, сув ҳўжалиги ташкилотларини мелиоратив техника ва ускуналар билан таъминлашдан иборат.

2008 йилдан буён мамлакатда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг 2008-2012 йилларга мўлжалланган давлат дастури амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги «Сув ҳўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан сув ресурсларидан тежай-тергаб фойдаланиш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда, мелиорация объектларини реконструкция қилиш ва қуриш, магистрал каналлар, коллекторлар, дренаж тармоқлари, насос станцияларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилмоқда, томчилатиб суғориш тизими жорий этилиб, тегишли ускуналарни мамлакатда ишлаб чиқариш ташкил қилинмоқда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш учун тўғридан-тўғри давлат инвестициялари ажратилмоқда.

Шу билан бирга, сувдан лимит бўйича фойдаланишга ўтилганидан кейинги охириги ўн йил давомида бир комплекс гектарга сув олиш ҳажмининг гектарига 13 минг куб метрдан 10,4-12,2 минг куб метргача камайгани кузатишмоқда. Ушбу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида юқориликка қолётган бўлиб, тегишли гектарига 14-16 минг куб метр ва 16-18 минг куб метрни ташкил қилмоқда. Шунингдек, суғориш сувини транспортировка қилиш чоғида ерга сингиб кетиши

ва фойдаланилиши туфайли камайиши ортиб бораётганлиги кузатишмоқда.

Бундан ташқари, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида сувга бўлган йиллик эҳтиёж тинимсиз ортиб бормоқда. Мисол учун, коммунал ҳўжалигида сув сарфи аҳоли кўпайиб бораётганлиги туфайли сув ишлатишнинг ҳозирги даражасида йилга 16-20 миллион куб метрга ортиб бормоқда. Саноат ривожланиши билан ушбу тармоқнинг сув ишлатиши ҳам кўпайиб бормоқда.

Шу билан бирга, масалани муҳокама қилиш асосида давра суҳбати қатнашчилари сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, ирригация тизимлари ва суғориш техникасини, сув ҳисоби тизимини янада такомиллаштириш, бизнесни сувни тежайдиган прогрессив ишлаб чиқариш технологияларидан, сув билан таъминлашнинг айланма ва такрорий-навбатли тизимларидан кенг фойдаланишга ва сувни бехуда йўқотишни қисқартиришга рағбатлантирувчи самарали иқтисодий механизмларни жорий қилиш юзасидан кўшимча чоралар қуриш зарурлигини таъкидладилар.

Муҳокама қилувчилари бўйича давра суҳбати қатнашчилари маҳаллий давлат бошқаруви органлари, вазирлик ва идоралар, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат тежайдиган сувдан фойдаланувчилар ассоциациясининг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ёрдамида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувни тежайдиган технологияларни фаол жорий этиш, сувни муҳофаза қилиш зоналарида рўхсатсиз қурилишларнинг олдини олиш, оммавий ахборот воситаларини сув ресурсларини қўриқлаш ва муҳофаза қилиш, сувга эҳтиром билан муносабатда бўлиш масалаларига жалб этиш борасидаги фаолиятини яхшилашга қаратилган идоравий норматив-ҳўқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришни назарда тутган тегишли тавсияларни қабул қилдилар.

Тадбирда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, шунингдек, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сув муаммолари институти, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси агентлиги, «Саноатқотехназорат» давлат инспекцияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмаси, «Ўзгидромет» раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах вилояти халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларида Президентимизнинг шу йил 16 июнда қабул қилинган «Республика иқтисодий тармоқларини 2010/2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича белгиланган ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

● Президентимизнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди.

● Андижон вилоятида импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар сони кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида фаол инвестиция сиёсати туфайли вилоятда 106 ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди.

● Қўнғирот сода заводи қошида ташкил этилган Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртки бўлимида кимё, нефть ва газ саноати корхоналарида инновацион технологияларни қўллашнинг энг муҳим вазифаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимиздаги бир қатор олий ўқув юртли раҳбарлари, институт профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, корхона техник-муҳандислари иштирок этди.

● «Баркамол авлод» Давлат дастури доирасида барча маданият ва спорт бошқармалари турли хил режалар асосида фаолият олиб бормоқда. Жумладан, яқинда навоийликлар ҳам вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда «Биз, ёшлар, гиёвандликка қаршимиз» шиори остида фестиваль ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Индонезиянинг Ява оролидаги Мерапи вулкони катта куч билан қайта отилгани боис унинг хавфлилик даражаси янада ортди. Шу боис 90 минг киши хавфсиз жойларга қўчирилди.

● Ўтган пайшанба куни Кубада 61 нафар йўловчиси ва 7 кишилик экипажи бўлган АTR 72-212 самолёти ҳалокатга учради. Бор-тда маҳаллий йўловчилардан ташқари, яна ўнта давлат фуқароси борлиги аниқланди.

● Зимбабве табиати ҳимоя қилиш бошқармаси тарқатган маълумотга қараганда, мамлакатдаги «Мана-Пулс» миллий паркида кеч киргач, очик ҳавода душ қабул қилаётган саёҳатчиға шер-лар галаси хужум қилди.

● «Daily Mail»нинг навбатдаги сонидан эълон қилинган Розалия Дэвиднинг мақоласида «Нима учун кейинги йилларда саратон касаллиги билан оғриётган беморлар сони кўпайиб кетяпти?», деган саволга жавоб изланган. Розалия Дэвид шундай хулосага келдики, аввало саратон қарилки касаллиги, қадимги одамлар кўп яшамагани учун улар орасида саратон билан оғриган беморлар кам бўлган.

Инсон ва қонун

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Ички ишлар бош бошқармаси қошидаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази томонидан ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда марказ директори Дилмурод Аъзамов қуйидагиларни гапириб берди:

— Авваломбор айтиб ўтиш жоизки, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ишлар кўлами янада кенгайди. Ўзбекистоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида яқинда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун эса муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қонун мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Ички ишлар бош бошқармаси, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази, шунингдек бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар белгилаб олиниб, амалга ошириляптир. Яхши маълумки, маҳаллаларда, хусусан, фуқаролар йиғини томонидан урф-одат ва аънаваларимизни қарор топтириш, улар замирида ҳаққимизга хос бўлган багрикенглик, меҳр-оқибат,

инсонни улуғлаш, юзага келган муаммоларни баҳамжиҳат ҳал қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, вояга етмаганларга кўмак бериш борасида кўп ишлар қилинади. Эҳтиёжмандларни моддий-маънавий

ри ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Чунончи, кейинги вақт ичида 75 та қонун ҳуж-

жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида вояга етмаганлар билан ишлаш борасида 60 дан зиёд замонавий марказлар ташкил этилди. ИИВ тизимида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик-

малар галереяси, мўъжаз ҳайвонот боғи ҳам яратилган.

Вояга етмаганларга таълим-тарбия бериш, боланинг назоратдан четда қолишига йўл қўймаслик мақсадида 2002 йилда ташкил этилган марказ қарамоғига 18 ёшгача ўғил-қизлар вақтинча қабул қилинади. Бу ерда кўплаб тадбирлар, хусусан, байрамлар, турли мавзудаги давра суҳбатлари ўтказиш аънага айланган. Тарбияланувчилар соҳа мутахассисларидан ҳуқуқий маслаҳатлар олади. Болажон бўлса-да, унга жамият, давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари педагоглар томонидан оддий усулларда тушунтирилади.

Транзит марказ ҳисоблангани боис бу ерда бошқа давлатлардан ҳам келиб қолган болаларни ота-онаси, яқинларига қайтариш ишлари амалга оширилади.

Боланинг бегонаси бўлмайди. Шунга амал қилган ҳолда марказнинг асосий мақсади авваломбор, қайд этилганидек, назоратсиз қолган болаларга кўмак бўлиб, уларни жамиятда ўз ўрнини топишда кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдир. **Азима ҚИЁСОВА**
ёзиб олди

ҲУҚУҚИЙ МЕЗОНЛАР АМАЛДА

жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш масалалари ҳам маҳалла зиммасидадир. Шу билан бирга носоғлом муҳитда тарбия топган ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёвандликнинг олдини олиш мақсадида маҳалла ҳудудларида ташкил этилган милиция таянч пунктлари қошида фарзандларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун турли тўғараклар очилгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқла-

жати лойиҳаларини тайёрлаш борасида кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан тақлифлар берилган. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган тизими ҳам яратилган. Комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида таркибидagi ташкилот ва муассасаларда соҳага оид тўпланган зарур маълумотлар банки, кўргазмалари воситалар, ҳуқуқий адабиётлар жамланган. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, улар ўртасида-

нинг олдини олишга йўналтирилган бўлинмалар, шунингдек ўн бешдан ортиқ ижтимоий-ҳуқуқий марказлар фаолият олиб бормоқда. Ички ишлар тизимида ҳуқуқий-тарғибот ишлари кенг амалга оширилади. Жумладан, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган барча шароитлар мавжуд. Марказ қошида замонавий жиҳозларга эга бўлган спорт мажмуаси, ўқув синфлари, ошхона, ётоқхона бор. Бундан ташқари, ўзига хос кўргаз-



Ҳақимжон Солиёв олган сурат

Маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш борасида профилактика инспекторлари томонидан аҳоли билан ҳамкорликда олиб бориляётган ишлар ўз самарасини бермоқда. **СУРАТДА: «Кўкча-Оқтепа» маҳалласи 49-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Қаҳҳор Каримов ва «Пахтакор» маҳалласи 39-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, капитан Ўраз Алимешов ўзаро тажриба алмашиб, иш режалари билан ўртоқлашмоқда.**

Семинарлар ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Учтепа тумани ҳокимлигида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги янги қонун мазмун-моҳиятига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлимлари томонидан ташкил этилган тадбирда ҳуқуқ-тартибот идоралари, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда янги қонун вояга етмаганларнинг манфаатини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириш учун ҳамкорлик даврасини

янада кенгайтириш, аниққаса, жамоат тузилмалари фаоллигини янада ошириш лозимлиги қайд этилди. Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад эса, — деди «Камолот» ЁИХ туман бўлими раиси Райхон Урманова, — аҳоли, биринчи навбатда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдир. **Назозат САПАРБАЕВА,**
Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Ҳуқуқ-тартибот органлари хабарлари ҚОНУН ОЛДИДА БАРЧА БАРОБАР

Одамлар кўп тўпланадиган жойларда жиноятчилар ўз «тусини ўзгартириб» юриши маълум. Кейинги йилларда эса кишининг ишончига кириб олиб, кейин унга панд бериш сингари фирибгарлик ишлари ҳам кўп учрамоқда.

Чилонзор туманида яшовчи Фахриддин тез-тез интернет-кафега кириб, керакли маълумотларни излайди, четда ўртоқлари билан гаплашади ёки ўйин ўйнайди. Унинг ёнида доимий ҳамроҳи — нархи анча-мунча турадиган «Sony Ericsson» русумли телефони ҳам бўлади. Бир кун Фахриддин интернет-кафеда ўйин ўйнаш жараёнида Тolib деган бир бола билан танишади. Тolib унга: «Оғайни, телефонингни бериб туроласанми, меникининг заряди тугаб қолибди. Ўзимнинг SIM-картамни қўйиб гаплашиб олам» дея, ўзининг телефонида SIM-картасини ола бошлади. Фахриддин ҳам кўнглига ёмон гап келмаганидан унга аппаратини беради ва интернетдаги ишини давом эттиради. Тolib чиндан ҳам унинг телефон аппаратида ўзининг SIM-картасини қўяди ва кимгадир кўнғирок қилади. Сухбатлашайтиб, ёни-

дан битта сигарета олиб, оғзига кестиради-да, Фахриддинга: «Нарсаларимга қараб тур» дегандек ишора қилиб, столда қолдирган эски телефон аппаратини кўрсатиб қўяди. Кейин ташқарига йўл олади... Бу ёғини тушунган бўлсангиз керак. Фахриддин уни беш-ўн дақиқа кутиб, кейин ташқарига чиқиб кидирди. Тополмагач, ноилж ин-тернет-кафе хизматига икки киши учун пул тўлайди. Аммо кадрдони бўлмиш «Sony Ericsson»дан ажралиб қолгани, янги таниши уни алдаб кетгани роса алам қилиб, эртасигаёқ ички ишлар ходимларига ариза билан мурожаат қилади. Ходимларнинг тезкорлик билан олиб борган тадбирлари туфайли Тolib қўлга олинди ва у ҳозир қилмиши учун жавоб бермоқда.

Ёшлик умрнинг ажойиб палласи, интилувчанлик, ўқиб-ўрганувчанлик даври. Бироқ ёшларнинг ҳаммаси ҳам ўз вақтида бунинг қадрига етмайди. Айримлар эса ҳатто қинғир ишга қўл уради. 1988 йилда туғилган Акбарнинг қилмиши бунга яққол далилдир.

Акбар ўзининг Ботир исмли шериги билан Навоий кўчасидаги ўқув қуроллари савдо расталаридан бирида савдо қилувчи Ҳаким билан айтишиб қолади. Сотувчининг тўғри муомаласига Акбар кўрсик билан жавоб қайтарганлиги оқибатида икки ўртада жанжал бошланади. Табиийки, Акбар ва Ботирнинг зўравонлиги устун келади. Улар Ҳакимни уриб, тан жароҳати етказишади. Натижада жабрланувчи, суд тиббий экспертизасининг ҳулосасига кўра, соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган энгил тан жароҳати олади. Ушбу ҳолат бўйича икки зўравон устидан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, ҳозирда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Тўлаган АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази бошлиғи

Афсуски, қонуний яшаш баъзиларнинг ҳамёнига ёки виждонига тўғри келмайди. Бундай кимсалар ўз манфаати йўлида барча нарсани унутаяди.

СВОЖДЛҚК департаменти шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан «Osioy shirinliklari» қўшма корхонасига тегишли дўконда ўтказилган қисқа муддатли текширувда харидор Х.Дадаева ярим

килограмм қандолат маҳсулоти тортиб берган сотувчи М.Абдурахмонова 1200 сўм пул олиб, назорат касса машинасида чек уриб бермагани маълум бўлди. Текширув давомида бошқа қинғир ишлар ҳам аниқланди. Биргина ўша кунги савдо тушумлари ва назорат-касса машинаси хотираси солиштириб қўрилганида, 857.700 сўм фарқ чиқди. Бундан маълум бўладикки, солимқанд қочиб ва назорат қилинмайдиган фойда олишни кўзлаб, дўконга кирган харидорларнинг кўпчилигига чек бермасдан маҳсулот сотилган. Дўкондан сотувчи рўйхат қилиб борадиган иккиламчи дафтар борлиги ҳам аниқланди. Ана шу дафтар қонунбузарларнинг кўп қинғир ишларини очишда катта ёрдам берди. У ердаги ҳисоб-китоблардан сўнг савдодан тушган 25.266.860 сўм тушум пулидан фақат 4.993.700 сўми кирим қилинган. Афсуски, мансабдор шахсларнинг ноўғай ҳаракатлари шу билан яқун топмаган. Дўкондаги маҳсулотлар ўрганилиб чиқилганида, 1.258.732 сўмлик ҳужжати йўқ маҳсулотлар мавжудлиги аниқланади. Суд мажлисида «Osioy shirinliklari» ҚҚнинг директори Масрур Усмонов ва сотувчи Меҳринисо Абдурахмонова айбларига тўлиқ иқдор бўлиб, қилган ишларидан пушаймон эканликларини билдиришди. Аммо жиноят учун жазо муқаррардир. Суд қарорини билан қонунбузарлар жинояти учун тегишли жазони олди. **Боб прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти шаҳар бошқармаси матбуот гуруҳи**

Қарор ва ижро ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Олий Мажлис Сенати қарорига мувофиқ жойларда ҳуқуқ-тартибот органлари ва тегишли ваколатли тузилмалар ҳамкорлигида амалга ошириляётган амнистия актини қўллаш жараёни давом этмоқда.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркиби сифатида ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, бу борада кейинги йиллар ичида ушбу йўналишдаги илҳозлар натижасида катта ижтимоий хавфи бўйича жиноят содир этган беш миңдан зиёд шахс 11 миллиард сўмдан ортиқ етказган моддий зарарни қоплаши ҳисобига овозликдан маҳрум этилмаган. Миллий қонунчилигимизда адолатли судлов шакли сифатида яраштириш институти жорий этилган бўлиб, шу кунгача 26 миңдан ортиқ кишининг жиноий жавобгарликдан озод этилишига имкон яратди. Жазони ўташ жойларидан шароитлар яхшиланди. Муддатидан илгари озод этилиш ҳуқуқини берувчи моддалар ҳам кўпайди.

Амнистия инсонпарварлик намунаси. Маълумки, б тушунча ортида жамиятнинг айрим фуқароларига нисбатан содир этган жиноятларини кечириш ва уларг ишонч билдирган ҳолда ахлоқий тузатиб, тўғри йўл танлаш ва шу тариқа жамиятда ўз ўрнини топишга имконият бериш ҳаракати ётади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлекатимизда инсонпарварлик ва меҳр-мурувват тамойиларига асосланиб ҳар йили амнистия эълон қилинади ва унга мувофиқ жиноят содир этган шахсларнинг айримлари жазодан мутоқо халос этилади ёки муддатдан илгари озодликка чиқарилади. Ўтган йиллар давомида амнистия туфайли жазони ўташ жойларидан минилаб кишилар муддатидан аввал озод этилган. Шунинг айтиб ўтиш даркорики, уларнинг аксарияти ён-атрофи миздаги кишилар бўлса-да, аммо, афсуски, билиб-билмасдан, кетини ўйламадан қалтис ишга қўл уриб қонуни четлаб ўтишга ҳаракат қилган. Лекин ҳар қанде қонунбузарликка нисбатан жазо муқаррарлигини букишилар фақат сир ортида — овозликдан маҳрум бўлга дагина тушуниб етган...

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда амнистия масаласи мамлакат Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлисининг юқори палатаси томонида қўриб чиқилмоқда. Давлат раҳбарининг амнистия актини қабул қилиш бўйича ваколати Сенатга берилиши мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги жараёнларнинг ёрқин ифодаси дед бўлади.

Олий Мажлис Сенатининг жорий йилда бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида ҳам Ўзбекистон Президентининг томонидан парламент юқори палатасига киритилган амнистия тўғрисидаги масала қўриб чиқилди ва «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Маъмур ҳужжат инсонпарварлик, багрикенгликнинг яна бир ёрқин далили бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари давлатимизда амалга ошириляётган демократик, ижтимоий-содсий, аҳамда ижтимоий-иқтисодий илҳозларнинг оли кадрияти, мазмун ва моҳиятини ташкил этади. Ўзбекистон Конституциясининг 80 ва 93-моддаларига асоан Сенат қарори билан ижтимоий хавфи катта бўлман жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларни жазодан озод қилиш назарда тутилган. Хусусан, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шалар, 60 ёшга тўлган эркаклар, чет давлатларнинг фуқаролари, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этин шахсларни жазодан озод этиш мўлжалланган, у билан бир қаторда жазодан озод қилинадиган яна бр неча тоифадаги шахслар назарда тутилган.

Айни пайтда, қайд этилганидек, жойларда ушбу қадр талаблари ижроси бўйича тегишли жараёнлар давом этмоқда. Ўтган вақт ичида бу борада амалга оширилн ишлар шаҳар махсус комиссиясининг навбатдаги йишлишида муҳокама қилинди.

— Сенат ўз қарорини билан амнистия тўғрисида қарорнинг қўлланиш тартибини ҳам белгилаб бери, унда амнистия бўйича жазодан озод этиладиган шахсларга доир ишлар ва материалларнинг судлар томонидан қўриб чиқиш таомили ўрнатилган. Шу бин бирга авф этиш ақтининг қўлланишида жамоатчилик назорати ва очик-ошкораликни таъминлаш учун Сент аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Олий Мжлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили минтақавий аккиларнинг фаол иштирок этиши назарда тутилн, — дейди Сенат аъзоси Фарида Абдурахмонова. — Ју муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимининг қарни қабул қилиниб, тегишли чора-тадбирларнинг изчлиги ва самардорлигига эришиш мақсадида соғлини сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилш, таълим, молия идоралари ва жамоат ташкилотлари аккилари таркибиде махсус комиссия ва ишчи гурууарни тузилади. Икки ой давомида талай ишлар амга оширилди. Шаҳар ишчи гуруҳи бевосита жойда амнистия актини қўллаш жараёни, шунингдек авф этпаётган шахслар ҳужжатлари билан танишиб чиқди.Ју кунгача парламент юқори палатаси қарорига асан 270 га яқин шахс жазони ўташ жойларидан озод қилнди ва айни пайтда улар билан тегишли профилакка ишлари давом этмоқда.

Шаҳар прокуратураси бўлими бошлиғи Акмал Жроқулов ахборотиға кўра, ўтган йиллар давомидаеяри 2,3 миң шахсга нисбатан амнистия қўлланинган. Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорига мувиқ бу сафар 400 дан зиёд фуқаро авф этилмоқда. Јусан, бу борадаги тегишли ишларни қўриб чиқишжараёнида саксондан ортиқ шахс суд залидан озод элган. Уларга, шунингдек амнистиянинг бошқа моддлари бўйича озод этиляётган шахсларга истиқомат қиш жойидан рўйхатдан ўтиши, паспорт олиши, давоилиши учун моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида маҳдий бюджетдан маблағ ажратилмоқда. Бундан ташви, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳам од этилганларнинг ишаш жойи бўйича эҳтиёжига қаб кўмак кўрсатилмоқда. Йиғилишда жазони ўташ жойларидан қайтаган шахсларни рўйхатдан ўтказиш, ишга жойлаштиш, тиббий қўриқдан ўтказиш масалаларига тўхталди йлди. Бу борада жинояти учун жазо олиб, овозликкаикқан шахсларга нисбатан тўғри, соғлом ҳаётга мосшгунга қадар сабр-тоқатли бўлиб, жамиятнинг тўлақли кишиси эканлигига қўниқма ҳосил қилишда барчинсонийлик бурчини ҳис қилган ҳолда ёрдам беришпозимлиги таъкидланди. **Ильмира ЗАЙНУТДИНВА**

ЭНДОКРИНОЛОГИЯДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Хар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 40-модда)

Мамлакатимизда давом этаётган қандли диабетга қарши кураш ойлари доирасида Тошкентда эндокринологияда инновацион технологияларни қўллаш самараларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда юртимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда россиялик мутахассислар ҳам иштирок этди.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С.Исмоилов инсон саломатлигини ҳимоялаш, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун зарур шароитларни яратиш, тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштириш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли илмий-амалий тиббий марказлар тармоғи ҳам кенгаймоқда.

Бу жараёнда тиббиётнинг бошқа йўналишлари қатори эндокринология хизмати кўлами, хусусан, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар тармоғи ҳам кенгаймоқда.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ана шундай шифо масканларидан биридир. Бу ерда йилга қарийб тўрт минг нафар беморга стационар, ўн мингга яқин беморга консультатив тиббий ёрдам кўрсатилади. Мазкур марказ ҳузурида ташкил этилган махсус мактабларда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, касалликларнинг олдини олиш ва диабетни бошқариш стратегиясини тарғиб этиш бўйича машғулотлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Худудларда фаолият юритаётган эндокринология диспансерлари ва кишлоқ врачлик пунктларида халқимизга бирламчи тиббий-

профилактика ва даволаш ёрдами кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган.

— Мен Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида беморлар қабулини ташкил этиш жараёнида иштирок этдим, — дейди ЎЗА муҳбирига Россия эндокринология илмий маркази ҳузуридаги қандли диабет институти директори Мария Шестакова.

— Бу ерда аҳолига жаҳон андозалари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Шифокорларнинг замонавий тиббий технологияларни юксак маҳорат билан бошқаришда Олимларнинг диабетология соҳасидаги инновацион технологияларни чуқур ўзлаштириш баробарида, жаҳон тиббиётининг бу йўналишдаги муаммоларини ечишга йўналтирилган илмий изланишларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Ушбу анжуманда бундай илмий янгиликлар юзасидан тажриба алмашидик, ҳамкорликда амалга оширилган илмий лойиҳалар хусусида фикрлашдик.

Тадбирда эндокринология соҳасининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, қандли диабетни даволашга оид янги ёндашувлар ва замонавий препаратлардан фойдаланиш самараларига оид маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА



ФАН ОЙЛИГИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Халқ таълими вазири ва Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси шифокорлари, «Ёш педагоглар» ҳамда «Устоз-шогирд» мактаблари тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар иштирок этди.

Семинарда юртимизда таълим сифати ва самардорлигини ошириш, илғор педагогик усулларда дарс ўтиш, ёш авлод тарбиясида она тили ва адабиётни фани ролини янада ошириш хусусида сўз борди.

Аҳамиятлиси, ойлик доирасида мактабларда она тили ва адабиёт фанлари бўйича турли интерфаол усулдаги «очик дарслар» ташкил қилинди. Тилшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар билан ижодий учрашув, адабий кечалар уюштирилди. Шунингдек, ўқувчилар учун уй-музейлари, шахримизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил қилинди.

— Ойлик давомида иқтидорли ўғил-қизларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаб, рағбатлан-

116-мактабда филология йўналишидаги фанлар ойлиги якунига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

тириш мақсадида «Эртаклар — яхшиликка етаклар», «Энг яхши кичик томошабин», «Бугунги кун ўқитувчиси», «Энг яхши дарс ишланмаси», «Энг яхши фан хонаси» танловлари, «Компьютер ва интернет фақат билим учун» мавзусидаги акциялар, «Мен ҳавас қилган инсон», «Оламаро ягонасан, Ўзбекистон» мавзусидаги иншоолар кўриги ўтказилди, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига Халқ таълими бош бошқармаси услубий маркази раҳбари Нодира Шомансурова.

Этибордиси, ойлик баҳона ўқитувчилар ва ота-оналар иштирокида «Хар фарзандга бир ойда учта китоб» акцияси ўтказилди. Русийзабон ўқувчилар учун ҳафтанинг бир кунини «Ўзбек тилида сўзлашиш кунини» деб эълон қилиниши замирида эса жонажон она тилимизга нисбатан ҳурмат-эътибор, уни софлигича асраб-авай-

лаш ва кейинги ёш авлодга етказиб бериш туйғуси мужассам. Асосий мақсадимиз эса таълим самардорлигини янада ошириш, ижодкор педагог ва иқтидорли ўғил-қизларни кашф этиш ва рағбатлантиришдир.

Семинар доирасида энг яхши интерфаол усулдаги «очик дарслар» ўтказган ижодкор педагоглар тақдирланди.

Ўқитувчи-педагоглар ўртасидаги «Энг яхши дарс ишланмаси» танловида 28, 274 ва 61-мактаб ўқитувчилари Сайёра Мусаева, Махмуда Валиева ва Гулнара Султоновалар тегишли равишда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлишди. Ўқувчилардан Севинчбек Одилбеков, Баҳром Тўхтаев ва Моҳиша Абдуқаҳорова «Мен севган аллома» ва «Мен севган инсон» танловларида совриндор деб топилди.

Азиза ҚИЁСОВА

этилди. Тадбир бошида ўзбек ва япон халқларининг маданияти, урф-одатлари бир-бирига муштараклиги, ушбу кеча икки маданиятнинг уйғунлашувидан далолат бериши ҳақида тўхталиб ўтилди. Концертнинг биринчи қисмида Эдоя яккахон дастури билан чиқди. Унинг уй ҳайвонлари, хашаротларга қилган аjoyиб тақлидлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. «Майсаранинг иши» операсидан ижро этилган арияга булбул хонишининг қўшилиши асарга ўзгача тароват бағишлади.

Тадбирда япон ва ўзбек санъаткорлари ҳамкорлигидаги концерт дастури ҳам намойиш этилди.

Дилноза АСАНОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси

«Мономан» ҳайвон ва қушлар овозига тақлид қилиш санъати ҳисобланади. Ушбу санъат Японияда кенг тарқалган бўлиб, булбул хонишини жимжилоқ бармоғини япон ҳарфи «Ко» кўринишида, хашаротлар товушини ҳуштак ёрдамида, бошқа ҳайвонлар овозига ўхшатишни ўзида мужассамлаштирган.

Мейдзи давридан бошланиб, ўзининг юз йиллик тарихига эга бўлган «мономан» санъати Эдоя Нэкохачи авлодлари томонидан ҳозирги кунгача давом эттириб келинмоқда. Эдоя Нэкохачи ушбу санъат турига айрим ўзгаришлар киритиб, 100 хилдан ортқ ёввойи қушлар имитациясига алоҳида эътибор қаратади. Ҳозирда унинг репертуарида 200 га яқин ҳайвон имитациялари мавжуд. Эдоянинг тақлидчилик санъатини ҳам эшитиш, ҳам

МЎЪЖИЗАКОР ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

томоша қилиш мароқлидир. Бу санъатнинг ўзига хослиги шундаки, ҳайвонлар имитацияси нафақат овоз, балки тананинг ҳаракатлари билан ҳам ифодаланган.

Эдоя Нэкохачи яккахон сифатида сермахсул ижодий фаолиятини олиб бормоқда. У ҳайвон ва қушлар овозига тақ-

лидни куйлар оҳанглирига моҳирона боғлаб, ижро этмоқда. Репертуарда мумтоз мусиқа ҳамда болалар мусиқасининг ёрқин намуналарини учратиш мумкин.

Мамлакатимизда истеъдодли тақлидчининг илк ижодий кечаси Ўзбекистон Давлат консерваториясида ташкил

Аввалги бу борадаги ҳужжатлар жуда қисқа ёзилган бўлиб, соҳа йўналишларига тўлиқ тўхталинмаганди. Янги қонунда ҳар бир модда аниқ ва тушунарли тарзда келтирилган. Шу боис ҳам эндиликда архив иши борасидаги маълумотлардан нафақат ишчи ходимлар, балки аҳоли ҳам бемалол фойдаланиши мумкин.

Янги қонун олтита бобдан иборат бўлиб, биринчисида алоҳида қимматли ҳужжатлар, архив иши ҳамда фонди, депозитар сақлаш, миллий архив фонди, суғурта нусхалари,

Маълумки, кейинги йиллар давомида архивлар ишини такомиллаштиришга доир бир нечта қонун ва қарорлар қабул қилинганди. Жорий йил 15 июндаги қабул қилинган «Архив иши тўғрисида»ги Қонунда соҳа иши кенг қамровда таҳлил этилганлиги билан аҳамиятлидир.

АРХИВ ИШИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

шахсий таркиб бўйича ҳужжатларга алоҳида ургу берилган.

Бундан ташқари, архив ҳужжатларига бўлган мулк шакллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг архив иши соҳасидаги ваколатла-

ри, ҳукумат ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг соҳадаги ваколатлари тўла белгилаб берилган.

Миллий архив фонди ботида таркибдаги ҳужжатлар, ҳужжатлар-

ни фондга киритиш ҳамда чиқариш қонунқоидалари, фонднинг давлат каталогини юритишга изоҳ бериб ўтилган.

Архивга ҳужжатларни жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш архив ишини энг устувор йўналишларидан бўлиб, қонун моддаларининг ҳужжатларни жамлаш, қимматлили-

Тиббиёт

ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛДИ

Республикаимизда шошилиниқ тиббий хизмат ёрдамининг мутлақо янги тизими яратилди. Ушбу хизмат шохобчаларининг техник жиҳозланганлиги, доридармонлар билан таъминланганлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Мазкур хизматнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида шифокорлар малакасини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Сўнгги йилларда кўплаб шифокорлар республикаимиз ва чет элдаги етакчи клиникаларда бўлиб, бой тажрибалардан баҳраманд бўлдilar. Ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлиги ҳам ижобий натижасини бераётир. Жумладан, Россия Федерациясининг худудий соғлиқни сақлаш бошқармалари ўртасида битимлар имзоланди. Яқинда 60 нафар шифокор Новосибирск клиникаларида малака ошириб қайтди.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Академик Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий маркази томонидан уюштирилаётган муолажалар яхши натижалар бермоқда.

«Воҳидов ўқишлари» ҳам илғор тажриба мактабига айланган. Хусусан, нафас ва овқат ҳазм қилиш хасталиги бўйича уюштирилган амалиётлар жарроҳлик таъминоти янада самарали бўлишини таъминлади.

Эндоскопия хизмати ҳам кенг йўлга қўйилди. Тадрибли эндоскопчи-шифокорлар иштирокида ўтказилаётган текширувлар кўплаб тиббиёт муассасаларида касалликларни аниқлаш имконини бераётир. Ортирилаётган бой тажрибалар вилоятларда ҳам оммалаштирилмоқда.

КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИЯСИ

Ногиронларни тиббий, ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий маркази 250 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда терапия, неврология, протезлаш, болалар ортопедияси каби бўлимлар орқали муолажалар олиб борилади.

Бу ерда «Реабилитация сифатини ошириш» грант лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган тиббий тадбирлар жойларда кенг оммалаштирилди. Компьютер томографияси ҳам жорий қилинди.

Ақбар АЛИЕВ

Санъат

«ХАВАС»НИНГ ИЛК КОНЦЕРТИ

15-мушиқа ва санъат мактабидан янги тузилган «Хавас» гуруҳининг илк концерт дастури тақдимоти бўлиб ўтди.

— Мазкур гуруҳ ўз иқтидори билан халқимиз, қолаверса, дунё санъатига муносиб ҳисса қўшган санъаткорларга ҳавас қилиш баробарида тузилди, десак адашмаймиз, — деди «Хавас» гуруҳи бадий раҳбари Рустам Эрматов.

«Хавас»да бир оила вакиллари — Глиэр номидаги мусиқа академик лицейи ўқувчилари Қаҳрамон, Шаҳноза ва Достонбек Фуломжоновлар ҳам бўлгани гуруҳнинг ўзига хослигидан далолатдир.

Концерт дастури классика ва эстрада бўлимларидан ташкил топган бўлиб, биринчи қисмда Бонончининг «Рондо», Ф.Листнинг «Тўққизинчи пьесаси» ва «Иккинчи венгер рапсодияси», Дилором Омониллаеванин «Бибиҳоним харобалар олдида», Ф.Шопеннинг «Ўн иккинчи этюди» гуруҳ томонидан моҳирона ижро этилди.

Иккинчи қисмда Машраб ва Рустам Эрматов шеърларига Қаҳрамон Фуломжонов куйи билан айтилган қўшиқлар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Жаҳон классикаси ва миллий куйлардан тузилган «Попурри» ҳам кўпчилиқда катта таассурот қолдирди.

«Хавас» гуруҳининг илк концерт дастури томошабинлар томонидан катта кўтаринчилик билан бўлиб ўтди. Гуруҳ аъзоларига санъатнинг энг юқори чўққиларини забт этишда омадлар тилаб қоламиз.

Миржамол ХАТАМОВ,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси

Азиза ТОШМУҲАМЕДОВА,
Марказий давлат архиви катта илмий ходими



Жаҳон чемпионати-2010

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

Пойтахтимизда самбо бўйича жаҳон чемпионати бошланди.

Халқаро ҳаваскорлар самбо федерацияси (FIAS) кўмагида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва мамлакатимиз самбо федерацияси томонидан ташкил этилган нуфузли мусобақада дунёнинг қирққа яқин давлатидан беш юз нафарга яқин самбочи голиблик учун куч синашмоқда.

Жаҳон чемпионатининг пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бўлган очилишида Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида спортнинг барча турларини, жумладан, самбонинг ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун қўлай шарт-шароит яратиш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётгани тасдиқланди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда қўллаб-қувватлаш турлари сингари самбо бўйича ҳам нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш бўйича бой тажриба тўлланди. Тошкент шаҳри олти мартаба қитъа чемпионати, икки

марта ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги, бир мартадан фахрийлар, жанговар самбо усталари ҳамда самбо юлдузлари иштирокида жаҳон чемпионатларига мезбонлик қилди. Жумладан, шу йилнинг 2-4 июнь кунлари пойтахтимизда самбо бўйича Осиё очик чемпионати ўтказилди. Йигирмага яқин давлатдан 500 нафар спортчи иштирокида ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада терма жамоамиз аъзолари ўн саккиз олтин, икки кумуш ва ўн икки бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга сазовор бўлди.

Пойтахтимизда бошланган жаҳон чемпионати иштирокчилари жанговар самбо, самбо ва хотин-қизлар самбоси бўйича голиблик учун беллашади.

Мусобақанинг дастлабки кунини, деб ҳабар беради ЎЗА, спортчиларимиздан Шавкат Жўраев кумуш медалга сазовор бўлди. Азамат Турданов, Соҳиба Эштемиева, Ўғилжон Рўзметова, Соҳиба Эштемиева ва Обида Оллодўстова бронза медалини қўлга киритди.

Байрам АЙТМУРОДОВ

ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАНДИ

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида 12-27 ноябрь кунлари XVI Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.

да Кенжа Тўраев томонидан амалга оширилди. 41-дақиқада сардоримиз Одил Аҳмедов жамоадошлари бошлаган ҳужумни самарали яқунлаб, ҳисоби 2:0га етказди. Учрашув якунланишига 10 дақиқа қолганида, ҳужумчи Иван Нагоев аниқ ва кучли зарба билан рақиб дарвозабонини учинчи марта хато қилишга мажбур этди. Хуллас, учрашувда

йирик 3:0 ҳисобида ажойиб галабага эришган вакилларимиз уч очко билан пешқадам бўлиб олди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳда Бангладешдан ташқари, Гонконг, БАА терма жамоалари билан голиблик учун кураш олиб боради. Эртага эса Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари БАА терма жамоаси билан куч синашади.

Футбол

Ниҳоят минглаб, миллионлаб футбол мухлисларини ҳаяжонга солган, гоҳида қувонтириб, гоҳида ҳаттоки йиғлатган мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасидаги жорий йилги мавсум якунига етди.

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон футбол мутасаддилари қарорига кўра жорий мавсумда профессионал футбол лигасида 14 та жамоа иштирок этди.

Пойтахтимиз шарафини амалдаги чемпион «Бунёдор», «Пахтакор» ва «Локомотив» жамоалари ҳимоя қилди.

Мавсумда чемпионлик учун асосан «Бунёдор» ва «Пахтакор» кураш олиб борди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, биринчи ва иккинчи давра оралиғида «Бунёдор»-га ҳам, «Пахтакор»-га ҳам осон бўлгани йўқ. Гап шундаки, амалдаги чемпион тарихида тўп сураётган 13 нафар хорижлик легионер, хусусан Ривалдо, Ристич, Денильсон, Рамос, Вильянуэвалар жамоани тарқ этди. Албатта, бу чарм тўп усталари қаторида Жепаров, Ҳасанов, Бақоев сингари маҳоратли футболчиларнинг ҳам борлигини инобатга олганда, «Бунёдор»нинг Миржалол Қосимов бош мураббийлигида иккинчи даврани ҳам муваффақият билан ўтказганлиги таҳсинга сазовор. Дарвоқе, шу ўринда бразилиялик иқтидорли мутахассис Сколари ҳам «Бунёдор» жамоасидан кетганлигини эслаш ўринли. Сколари ўзинини эгаллаган Миржалол Қосимов «Бунёдор» ўринбосарлари орасидан ўзини кўрсатган ёш чарм тўп усталарини асосий тартибга дадиллик билан қўшиб, иккинчи даврада ҳам жамоаси галабаларини кўпайтирди ва чемпионликка даъвогар «Пахтакор»дан саккиз очкога ўзиб кетди.

Ўтказилган 26 учрашувда фақат бир мартагина мағлубият аламини тоғиб кўрган «Бунёдор» рақиблари устидан 20 марта галаба қозонди ва фақат бешта учрашувдагина муроса йўлини танлади. Тўплар нисбати ҳам мақтовга лойиқ. Рақиблар дарвозаси 45 марта аниқ нишонга олинган, моҳир дарвозабон Нестеров бор-йўғи ўз дарвозасидан ўн та тўп ўтказган.

Юқорида айтганимиздек, чемпионат давралари оралиғида «Пахтакор» жамоасининг ҳам кўпгина етакчи футболчилари бошқа клубларга ўтиб кетди. Аммо Равшан Ҳайдаров ҳам ўринбосарлар маҳоратига ишонган ҳолда иккинчи даврани ўз жамоаси муваффақияти билан ўтказишини таъминлади. Шундай қилиб, пахтакорчиларга кумуш медаллар бешинчи марта насиб этди.

Мамлакат XIX миллий чемпионатида учинчи ўринни худди ўтган йилдагидек Қаршининг «Насаф» жамоаси эгаллади. Чемпионатнинг сўнгги ўринларини кутилмаганда «Локомотив» ва «Хоразм» жамоалари банд этгани кўпчиликини ҳайратга солди. Чунки мавсумини кўтаринки руҳда бошлаб, ажойиб галабалари билан дастлабки турларда совриндорликка интилган «темирйўлчи»лар Вадим Абрамов бош мураббийликдан кетгач, кетма-кет мағлубиятга учрай бошлашди. «Локомотив»нинг мағлубиятлари сериясини ҳатто янги бош мураббий Андрей Микляев ҳам тўхта олимади. Турнир жадалининг энг сўнгги погонасини эгаллаган «Хоразм»нинг муваффақиятсизлиги ҳам кўпчи-

лики ранжитди. Чунки «Локомотив» ҳам, «Хоразм» ҳам профессионал футбол лигаси жамоалари орасида ўз ўйин услубларига, ўз мавқеларига эга бўлган командалар ҳисобланади.

Мавсумда кўнгилни хушнуд этадиган ҳолат «Шўртан», «Машъал», «Металлург», «Андижон», «Кизилқум», «Навбахор», «Нефтчи» жамоалари ҳам совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Бироқ бу жамоаларда ҳали ҳимоя, ярим ҳимоя чизикларида ўзига хос муаммолар борлиги сабаб, галабали учрашувлари сонини кўпайтира олмади. Айниқса, «Нефтчи»нинг нотекис ўйин намойиш этиб турнир жадалда бор-йўғи ўнинчи ўринни эгаллаганлиги ажабланарли. Демак, жадалда 4,5,6-ўринлар «Шўртан», «Машъал», «Металлург»-га насиб этди.

Биринчи даврада тўпурлар рўйхатини бошқарган Ристич «Бунёдор»ни 11 та гол билан тарқ этганидан сўнг чемпионат якунида тўпурар футболчи бўлиш, рақиблар дарвозасига 13 та гол киритган «Нефтчи» аъзоси Алишер Холиқовга насиб этди.

Мавсум учрашувлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга тўхталадиган бўлсак, ҳали профессионал футбол лигаси жамоалари ўйинлари даражасини янада яхшилаш талаб этилади. Нега деганда Осиё чемпионлар лигаси турнирида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Бунёдор» ва «Пахтакор» ҳамон қитъада ўртамеъна жамоалар сафида эканлиги кўзга ташланмади қоляпти. Осиё чемпионлар лигаси турнирида совриндор бўлиш баҳтига на «Бунёдор», на «Пахтакор» муяссар бўлгани йўқ. Назаримизда, футбол мутасаддилари ва хомийлар ёрдамида профессионал футбол лигаси командаларининг барчасини профессионал клублар даражасига кўтариш, болалар футболни ривожлантириш зарур ва шарт. Ана шунда ҳар бир футбол учрашувлари янада қизиқарли курашлар остида ўтади. Иш-

ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ							
1.	«Бунёдор»	26	20	5	1	45-10	65
2.	«Пахтакор»	26	17	6	3	41-19	57
3.	«Насаф»	26	13	7	6	30-20	46
4.	«Шўртан»	26	12	6	8	35-28	42
5.	«Машъал»	26	10	7	9	22-24	37
6.	«Металлург»	26	9	8	9	29-31	35
7.	«Андижон»	26	9	7	10	28-29	34
8.	«Кизилқум»	26	9	7	10	25-28	34
9.	«Навбахор»	26	9	4	13	32-32	31
10.	«Нефтчи»	26	8	5	13	36-45	29
11.	«Олмалиқ»	26	8	5	13	32-41	29
12.	«Динамо»	26	6	9	11	28-33	27
13.	«Локомотив»	26	6	5	15	20-38	23
14.	«Хоразм»	26	2	7	17	21-46	13

намиз, «Бунёдор» ҳам, «Пахтакор» ҳам келгуси йили ўтказиладиган Осиё чемпионлар лигаси турнирида сермазун ўйин намойиш этиб, мухлислар кўнгилни шод қилади. Ахир ниятимиз футболимиз юксакларга парвоз қилсин, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионати финалидаги иштирокини қўриш ҳар биримизга насиб этсин.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Барчага маълумки, ҳозирда илмий-техника тараққиёти даврида қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига қарши бир қатор кимёвий моддалар ишлатилмоқда.

Хар қандай кимёвий модда белгиланган меъёрида, тегишли йўриқномаларга амал қилинмай фойдаланиладиган бўлса, атроф-муҳитга таъсир этиб, зарарли манбага айланади. Ваҳоланки, табиий биологик воситалар ҳам борки, улар қишлоқ хўжалигига зарар келтирувчи омилларга қирон келтиради. Бу ўринда ўта беозор типратиканларнинг ҳосиятини санаб ўтиш мумкин.

Типратикан (кирпилач) сут эмизувчилар оиласига мансуб жонивордир. Типратиканларнинг саккиз уруққа бирлашган 20 тури қайд этилган. Минтақамизда одатда узун игнали типратикан учрайди, унинг танаси 22-27 сантиметр, думи 23-37 миллиметр, тиканлари тўрт сантиметргача, пешонаси тикансиз бўлади. Ўзбекистонда қўллаб оддий типратикан учрайди, уни

Биласизми?

ДОРИВОР ХУСУСИЯТЛАРГА БОЙ ЖОНИВОР

қулоғи кичкина, қорни кўнгир тусда бўлади. Оддий типратикан ўрмон, боғ, бутазорлардаги дарахтлар тагига уя ясайди. Қишки уйқуга кетади. Асосан ҳашарот, майда умуртқали ҳайвонлар, камдан-кам ўсимлик маҳсулотлари билан овқатланади.

Кирпи-типратикан қишлоқ хўжалигига қанчалик фойдасиз тегмасин, унинг табиати бобида тутган ўрнини қайд этиб ўтмасдан бўлмади.

Типратикан гўшти кўҳна замонлардан бери нафақат парҳезоблиги билан, балки бир қатор хасталиклар давоси сифатида ҳам азизланади. Жумладан, ҳақиму ҳозик Абу Али ибн Синонинг оламшумул «Тиб

қонунлари»да типратикан хосиятларига қуйидагича таъриф беради: «Чўл типратиканнинг териси кўтирда ишлатиладиган дориларга қўшилади ва у фойдалидир, гўшти қулғуна ва қаттиқ тугунлар учун ҳам фойдалидир. Чўл типратикани гўшти тузланган ҳолда фалаж, тиришиш ва барча асаб касалликларидан, шунингдек филлик касалида фойда қилади, сил касалида шифоли.

Буюк ҳақимнинг ёзишига қараганда, типратикан гўшти мижоз бузилишида ёрдам беради, ёш болаларнинг кечаси ўрнини хўллаб қўйишига хотима беради, сурункали иситмада ижобий таъсир кўрсатади.

ди, пайлар ва бўғимлардаги ҳар хил тошмалар йўқолади.

Куритилган типратиканларнинг гўшти кули суртилса, бадандаги сепкилли доғларни кетказди, уни қатронга аралаштириб суртилса, бош ва даҳаннинг туки тўқилган жойларига соч ва соқол чиқишига омилкорлик қилади.

Типратиканнинг сафроси мижози иссиқ ва қуруқ бўлиб, тозалаш ва қуриши хусусиятларига эга. Агар у кўзга суртилса, ҳар хил захм ва яраларнинг ёйилишининг олдини олади.

Умуман олганда, типратикан дала ёки уй-хонадон шариоатида бўлсин, унинг фақат фойдасини қўриш мумкин. Типратикан зараркунанда ҳашаротларнинг додини беради, у макон топган жойларда захарли илонлар бўлмади. Мабодо хонадонда яшаса, кўпгина оқумли касалликларни тарқатувчи суваракларни ва кўнғизларни йўқотади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилми: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65, факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2612 бичма босиш.
Кото бичма А-2



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

ОДОБ ҲАҚИДА

Шундай муҳитда «тарбия» олиб ўсан Жамил бора-бора ўз отасини ҳам, онасини ҳам ҳурмат қилмай қўйибди. Ёмон болаларга қўшилиб, наша чекишни, безорилик қилишни ўзига касб қилиб олибди. Маҳалла аҳли Жамилнинг бу хатти-ҳаракатидан хавотирланиб, унинг ота ва она-сига бир неча бор айтишибди, лекин ота-онаси қулоқ солишни истамадилар. Она бўлса:

- Шу маҳаланинг дастандан дод, деб чиқиб кетишимиз қолди. Битта-ю битта, кўзимизнинг оқу қораси бўлган фарзандимизни кўролмайдилар. Ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ, деб гапирверадилар. Бу қўшниларимизнинг ҳаммаси бизнинг душманларимиз, - деб онаси вайсай-вайсай уйга кириб кетибди.

Ҳар ким фарзандига

бермаса адаб,

Одамлар ичида бўлар безори.
Фақат катта-кичик одамга эмас,
Ота онага етар озори.

Кунларнинг бирида Жамил ўз маҳалласида истиқомат қиладиган бир қариянинг уйига кириб, унинг битта хўрозини ўғирлаб чиқибди. Қария хўрозни ўғирланганлигини ва уни ким ўғирлагани билса ҳам бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмабди, сабаби ҳеч қандай натижа чиқмаслигини билар эканда. Хўрознинг баҳридан ўтиб қўйибди.

Адаб таёғини ургил фарзандга,
Агар бўлсин десанг

фарзандим тўғри.

Ҳар ким фарзандига

бермаса таълим,

Безори бўлади ва ёки ўғри.

Касални яширсанг иситмаси ошқор қилади деганларидек, бу майда безориликлар ва ўғриликлар кейинчалик катта-катта жиноятлар қилишга асосий пойдевор бўлибди. Жамил бора-бора катта ўғирликларни содир қила бошлабди. У энди қўшнисининг битта хўрозини эмас, балки қўшни қишлоқнинг хўкиз, от ва бошқа қимматбаҳо молларини ўғирлаб сотишни ўрганибди. Оқибатда у катта ўғрига айланибди. Бу ўридан безор бўлган маҳалла аҳли Жамилни ушлаб олиб, қозининг ҳузурига олиб борибдилар.

Қози маҳалла аҳлининг шикоятини тинглаб ва ниҳоят ўз ҳукмини чиқарибди.

- Жамил ўғрилик қилгани учун шариат қонунига мувофиқ қўли чопилсин. Фарзандига одоб-ахлоқдан таълим бера олмаган ота-она эса маҳалладан бадарға қилинсин, - деб адолатли ҳукм чиқарибди.

Шундай қилиб, маҳалла аҳли бу безори боладан ва жанжалкаш қўшнидан қутулибдилар.

Ҳар ким маҳаллада

яшаб турсаю,

Элнинг тинчлигини

бузса ногаҳон.

Кўпнинг назаридан

қолмоғи аниқ,

Хорлик азобини тортар бегумон.

(Давоми бор)

Мавжуда РАЗЗОҚОВА

Нашрни етказиб бериш масаллари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Кўчанин 1

12345